

Хаттотлик санъати мактаблари ташкил этилади



12:12 / 29.04.2025 1114

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида Халқаро хаттотлик ва китобат санъати мактаблари ташкил этилишига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда мактабларни қай тартибда ташкил этиш бўйича таклифлар тингланди. Хаттотларга нафақат хаттотлик санъати, балки, кенг доирада илмлар ҳам берилиши зарурлиги айтиб ўтилди. Бунда Мисрдаги хаттотлик мактабларидан андоза олиш кераклиги, шунингдек, мактаб битирувчиларини соҳавий кенг қамровли ишларга жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

«Хаттотлик санъат даражасига кўтарилган катта илм, аслида», дейди марказ илмий ходими, хаттот Нажмиддин Фаёзий. — Шунинг учун ҳам кишидан уни ўрганиш катта машаққат ва қунт талаб этади. Хаттот ижодкордир. Унга тинч ва ёруғ хона керак. Марказдаги мактаблар ҳам ана шундай сокин ва ёруғ бўлиши шу билан бирга, ўқувчи сифими ҳам кўп бўлмаслиги керак. Мактабларни ташкил этишда ана шу жиҳатларга аҳамият қаратиляпти.

Дастлабки маълумотларга кўра, мактабнинг умумий дарсхоналари сони 20 та тани ташкил этади. Таҳсил оладиган ўқувчиларнинг ёши эса 12 ёшдан 70 ёшгача бўлиши, аудиторияда жами 8 нафаргача тингловчи иштирок этиши режалаштирилган.